O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 181200



# Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

2000 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

● 24 ноябр, №48(3586) ●

## ТАШРИФ САМАРАЛИ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси ва Италия ўртасида ўхшаш томонлар кўп. Италия Европа цивилизациясида муҳим ўрин тутган бўлса, Ўзбекистон Шарқ цивилизациясининг бешиги ҳисобланади. Ҳатто икки мамлакат ҳудудининг жаҳон харитасидаги кўриниши ҳам бир-бирига ўхшайди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги алоқалар кенг ривожланиб бормоқда. Ҳозир мамлакатимизда енгил саноат, озиқ-овқат маҳсулотлари, металл ишлаб чиқариш, транспорт ҳамда сайёҳлик соҳалари билан шуғулланаётган 61та Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Икки давлат ўртасидаги савдо-сотиқ, маданий соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш учун барча имкониятлар мавжуд.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 20-22 ноябр кунлари Италияга расмий ташрифи чоғида шу масалалар муҳокама қилинди. Юртбошимиз Италия Президенти Карло Адзелио Чампи, ҳукумат ва парламент аъзолари билан учрашди. Музокаралар сўнгида икки давлат учун манфаатли бўлган ўнга яқин ҳужжатлар имзоланди.

Италия уюшган жиноятчилик, терроризм, наркобизнесга қарши курашда катта тажрибага эга. Расмий ташриф чоғида бу соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича ҳам ҳужжатлар имзоланди.

Италия «катта еттилик» давлатларидан бири ҳисобланади. Саноат ишлаб чиқариши бўйича дунёда олтинчи ўринда туради. Бу ерда айниқса ўрта ва кичик бизнес ривожланган. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 50 фоизи ўнтадан йигирматагача ишчилар ишлайдиган кичик корхоналар зиммасига тўғри келади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Шу нуқтаи назардан Италия тажрибаси бизга ниҳоятда зарур.

Президент Ислом Каримов Италия ишбилармонлари вакиллари билан мулоқоти чоғида хорижлик сармоядорлар учун мамлакатимизда барча ҳуқуқий асослар яратилгани, Ўзбекистонга сармоя киритишнинг қулайликлари, кафолотлари ҳақида гапириб берди. Италиялик ишбилармонларни мамлакатимиз билан ҳамкорликка даъват этди.

Мамлакатимиз раҳбари Римдаги алоҳида давлат — Ватиканда бўлиб, Рим папаси Иоанн Павел Иккинчи билан учрашди. Рим папаси ҳар куни ўз ибодатларида Яратгандан Ўрта Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон халқига тинчлик, қут-барака ва осойишталик тилашини айтди. Юртбошимиз Рим папасига зарбоп тўн тақдим этди.

Сафар сўнгида мамлакатимиз раҳбари Римнинг қадимий обидалари — Рим Форуми, Колизей ва Нерон саройини, Венеция шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилди.

Йўлбошчимизнинг Италияга сафари самарали бўлди.

## МОТУРИДИЙ САБОҚЛАРИ

Самарқанд замини чиндан табаррук саналади. Бу қутлуғ тупроқ дунё илму фанига не-не ақли донишларни, фозилу фузалоларни бермади. Калом илмининг пешвоси Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг буюк ибратга муносиб ҳаёти ва тенгсиз ижоди ҳам бевосита Самарқанд билан боғлиқ. Аллома шу заминда таваллуд топди ва шу тупроқда мангуликка рихлат қилди.

Ўтган ҳафта жума куни куҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд ўзгача файзу тароватга бурканди. Шу куни бу ерда Имом Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Тантаналарда иштирок этиш учун ташриф буюрган мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов алломанинг Чокардиза қадамжосида бунёд этилган мақбара мажмуини зиёрат қилиб, қисқа вақт мобайнида бу ерда амалга оширилган ишлар билан танишди. Шундан сўнг Юртбошимиз йиғилганлар ҳузурида Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таълимоти, унинг бой мероси ҳақида нутқ сўзлади.

— Бугунги кунда, йигирма биринчи аср бўсағасида, башарият мураккаб тараққиёт жараёнини бошдан кечираётган бир пайтда диний бағрикенглик, турли динларга мансуб халқлар ўртасидаги мулоқот ва амалий ҳамкорликни кучайтириш долзарб аҳамият касб этмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.— Шу маънода, Имом Мотуридий бобомизнинг: «Агар одамлар яхшилик йўлида бирлашса, Яратганимиз улардан ўз марҳаматини дариғ тутмайди», деган ҳикматли сўзларида бизнинг замонамиз учун ҳам ибратли сабоқлар бор, десак хато бўлмайди.

Шу куни Самарқандда аллома юбилейига бағишлаб «Имом ал-Мотуридий ва унинг ислом фалсафасидаги ўрни» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуманда жаҳоннинг 30га яқин мамлакатлари вакиллари иштирок этишди.

Донишмандлардан бири бу дунёда ботирнинг шавкати ва дононинг сўзи қолади, деган экан. Шукрки, халқимиз ўзининг шавкатли баҳодирлари ва теран сўзли алломалари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Миллат номини замонлар оша зарга буркаб келаётган улуғ фарзандларини халқ ҳар қанча ардоқласа кам. Боқий мерос соҳиби Имом Мотуридий таваллуди тантаналари ана шу эзгу анъанамизнинг бардавомлигини намоён этди.

## МАЪНАВИЙ БИРЛИК

Тошкентдаги Байналмилал маданият маркази ўтган сешанба куни ижодкорлар, фан ва маданият арбоблари, Ўрта Осиё мамлакатлари элчихоналари ҳамда жамоатчилик вакиллари билан гавжум бўлди. Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси ташкил топганининг беш йиллигига бағишланган маданият арбоблари учрашувини Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти, таниқли адабиётшунос олим Бахтиёр Назаров очди. Ассамблея биринчи вице-президенти, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов Ўрта Осиё халқлари зиёлилари, фан ва маданият арбобларининг минтақа халқлари маънавий бирлигини шакллантириш, тинчлик ва ҳамжиҳатликни, ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш, мадания. ва маънавият соҳаларида ижодий зиёлиларнинг ҳамкорликларини кучайтириш эҳтиёжи билан вужудга келган мазкур халқаро ташкилот ўтган даврда амалга оширган шу йўналишдаги кенг кўламли ишлар ҳақида сўзлаб, зиёлиларимиз ва маданият арбобларининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари ЮНЕСКО миқёсида ҳам эътироф этилаётгани ва ўтган йили ЮНЕСКО қароргоҳида бўлган Ассамблеянинг тақдимотига эътиборни қаратди. Ташкилотнинг беш йил муқаддам таъсис этилган жамғармаси эса ўтказилаётган турли маданий, хайрия ҳамда нашр ишларини молиявий таъминлашга бошқош бўлмоқда. Тадбирда, шунингдек, ассамблеянинг келгусидаги режалари ҳақида ҳам сўз борди.

Маданият арбоблари учрашувида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Аҳмаджон Мелибоев иштирок этди.

## ИСТИҚЛОЛ ВА ЁШЛАР

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида «Миллий истиқлол ғояси ва бугунги ёшлар» мавзуида адабий анжуман бўлди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари Муҳаммад Юсуф истиқлол бугунги ёшларга яратиб берган имкониятлар ҳақида сўзлади.

Ўзбекистон халқ ёзувчилари — Иброҳим Раҳим, Тўлаберган Қайипберганов миллий истиқлолимизнинг қадр-қиммати ва мустақиллик моҳияти ҳақида фикр-мулоҳаза юритдилар. Ўзбекистон халқ шоирлари — Нормурод Нарзуллаев, Усмон Азим, Муҳаммад Юсуф, шоир Рустам Мусурмон миллий истиқлол, Ватан, муҳаббат мавзуидаги шеърларини ўқидилар.

Университет ректори Раимжон Алимов анжуман якунида сўзлаган нутқида ёзувчилар билан ёшларнинг бундай учрашувларини тез-тез ўтказиб туришни таклиф қилди.

## «КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД ВА ШАРҚ МИНИАТЮРА САНЪАТИ» ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

*Муҳтарам меҳмонлар!*
*Қадрли дўстлар!*

*Сизларни кўҳна маданият ва цивилизация бешиги бўлган, дунёга машҳур аллома ва мутафаккирлар, беназир истеъдод соҳиблари камолга етган қадимий ва бетакрор Ўзбекистон заминида муборакбод этишдан бағоят мамнунман.*

*Камолиддин Беҳзод халқимиз маънавиятининг ёрқин тимсоли, тенгсиз иқтидори, юксак бадиий маҳорати, бетакрор асарлари билан Шарқ Уйғониш даври маданиятига улкан ҳисса қўшган, Машриқ миниатюра мактабининг асосчиси бўлиб тарихдан мангу жой олган буюк аждодимиздир.*

*Ўрта асрларда мислсиз шаъну шавкат, бунёдкорлик салоҳияти билан етти иқлимга довруғ таратган Амир Темур ва темурийлар даврида кўҳна Мовароуннаҳр тупроғида юз берган оламшумул юксалишлар ифодаси ўлароқ дунёга келган бу улуғ зотнинг Ғарб оламида «Шарқ Рафаэли» дея эътироф этилишининг ўзиёқ мусаввир даҳосининг беқиёс қудратидан далолат беради.*

*Буюк аждодимизнинг бой бадиий мероси, рангтасвир соҳасидаги улкан кашфиётлари халқимизнинг юксак тараққиёт, олижаноб гуманистик ғоялар йўлидаги асрий орзу-интилишларини ўзида мужассам этгани билан айниқса қадрлидир.*

*Шу боис Беҳзод ижоди бугунги кунда ҳам кўп-кўп мусаввирлар учун ибрат, илҳом манбаи бўлиб, жаҳон тасвирий санъати тараққиётига бемисл таъсир кўрсатиб келмоқда.*

*Камолиддин Беҳзоднинг нурли қаламидан сайқал топиб, неча замонлардан буён ўз кўрки ва жозибасини йўқотмай келаётган бебаҳо асарларнинг АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Туркия каби мамлакатларнинг нуфузли музейларида умумбашарий қадриятларнинг мумтоз намунаси сифатида асраб-авайлаб келинаётгани бизга чексиз ғурур-ифтихор бахш этади.*

*Бу — улуғ мусаввир ижоди асрлар давомида турли халқлар ўртасидаги маънавий мулоқотни ривожлантиришга хизмат қилиб келаётганининг яна бир тасдиғидир.*

*Фурсатдан фойдаланиб, Камолиддин Беҳзод меросини асраб-авайлаб ўрганиш, тарғибу ташвиқ этиш борасида фидойилик кўрсатиб келаётган, буюк бобомиз ижоди тадқиқотчилари ва тарғиботчилари бўлган сиз, азиз меҳмонларга шахсан ўз номимдан ва бутун халқимиз номидан алоҳида миннатдорлик билдираман.*

*Сизларнинг ушбу нуфузли анжуман ишида узоқ-яқин юртлардан келиб иштирок этаётганингиз, нафақат Камолиддин Беҳзод даҳосига, балки бунёдкор халқимизга, мамлакатимиздаги маънавий ўзгариш ва янгиланишлар жараёнига бўлган ҳурмат-эҳтиромингиз ифодаси деб биламан.*

*Барчангизни гўзал Ўзбекистон заминида яна бир бор қутлаб, тинчлик, дўстлик, адолат ва меҳр-оқибат каби юксак ғояларни тараннум этган Камолиддин Беҳзод ижодини янада теранроқ ўрганиш, тарғиб этиш борасидаги олижаноб фаолиятингизда куч-ғайрат, анжуман ишига эса муваффақиятлар тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ЖАҲОНИЙ ЭЪТИРОФ

Буюк алломалар Бурҳонуддин Марғиноний ва Имом Абу Мансур Мотуридий таваллуд саналарининг тантаналар билан нишонланиши мустақиллик йилларида халқимиз маънавий қадриятларини тиклаш ва эъзозлаш йўлида амалга оширилаётган беқиёс ишларнинг изчил давоми сифатида жаҳон қўламида кенг эътироф этилмоқда. Шу муносабат билан Миллий матбуот марказида буюк алломаларимиз илмий меросига доир тадқиқотлар олиб бораётган шарқшунос ва исломшунос олимлар, хорижий мутахассислар, дипломатлар иштирокида Ватанимиз ва чет эллик журналистлар учун матбуот анжумани бўлди.

Бурҳонуддин Марғиноний ва Абу Мансур Мотуридий ижодида муҳим ўрин тутувчи нодир китоб ва рисолаларнинг чоп этилиши, бу борада амалга оширилаётган тадқиқотлар юзасидан ўтказилган анжуманлар бу алломаларнинг илмий меросини умумхалқ мулкига айлантиришда алоҳида аҳамият касб этди. Алломалар илмий меросининг турли қирралари хусусида фикр юритган ва журналистларнинг тадқиқотлар кўлами ва йўналишларига доир кўпдан-кўп саволларига жавоб берган таниқли олимлар Неъматулла Иброҳимов, Музаффар Ҳайруллаев, Бахтиёр Назаров, Убайдулла Уватов, Омонулла Бўриев, Абдулҳаким Шаръий Жузжоний, Аширбек Мўминов ва бошқалар Бурҳонуддин Марғиноний ва Абу Мансур Мотуридий сингари алломаларимиз яратган асарлар, улар таълимотининг издошлари ва мактаблари мавжуд бўлган Ўрта Осиё, хусусан, бизнинг она Ўзбекистонимиз минг йиллар бурунок нафақат Ислом оламида, умуман, жаҳон кўламида исломий маданият ва исломий тафаккур ўчоқларидан бирига айланганига эътиборни жалб этдилар.

Бу ноёб илмий мерос мустақиллик шарофати билан улардан баҳраманд бўлиш имконига етишган халқимизнинг жуда катта маънавий бойлигидир. Хусусан, Бурҳонуддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари биринчи марта ўзбек тилида чоп этилди. Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида эса яқинда Абу Мансур Мотуридийнинг XIX асрда кўчирилган форс тилидаги яна бир асари — «Қуръон»ни ўқишни бошловчилар учун қўлланмаси топилди ва тадқиқ этилди. Анжуманда, шунингдек, Туркиянинг Мармара университети, Сулаймония кутубхонасида алломаларимизнинг фиқҳ ва калом илмига доир аксарият асарлари сақланаётганлиги, бу асарларнинг баъзи бирлари қайта нашр этилгани хусусида ҳам илмий ахборотлар берилди. Эндиликда бу борадаги изланишларни кенгайтириш истиқболларига эътибор қаратилди.

Анжуманда сўзга чиққан олимлар ва мутахассислар журналистларнинг саволларига жавоб бераётиб, қадим-қадимдан исломий маданият ва маънавий тафаккурнинг равнақ топиб келганлиги боис юртимизда бошқа турли диний эътиқодлар ҳам ҳеч бир монеъликсиз амалда бўлганини эътироф этдилар. Буддавийлик ва зардуштийлик каби динларга бешик бўлган диёримиз умуминсоний маънавий маданиятнинг диний эътиқодга доир турфа кўринишларига ҳамиша муроса билан муносабатда бўлиб келган. Бундай маънавий муҳит, мустақиллик йилларида янада гуллаб-яшнаб, турфа динларнинг тенг ва ўзаро ҳамжиҳатликда амал қилиши учун шарт-шароит яратмоқда.

Исломий тафаккур равнақига бемисл ҳисса қўшган Бурҳонуддин Марғиноний ва Абу Мансур Мотуридий таваллуд саналарининг кенг нишонланиши эса бугун исломий ақидаларни таҳрир қилиш ниқобида турли мағзи пуч ғояларни ўйлаб чиқараётган ақидапарастлар ва террорчи тўдаларга бизнинг муносиб жавобимиздир.

Анжуман ишида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Зуҳриддин Ҳуснидлинов ва Бош вазир ўринбосари Ҳамидулла Кароматов иштирок этди.

## ТАРИХИЙ АНЖУМАН




Шарқнинг буюк мусаввири Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги тантаналари пайшанба куни эрта тонгда Ўзбекистон Миллий боғидаги Алишер Навоий ҳазратлари ҳайкали пойига гуллар қўйиш билан бошланди. Улуғ мусаввир ижодиётининг тадқиқи ва тарғиботига бағишланган «Камолиддин Беҳзод ва Шарқ миниатюра санъати» халқаро илмий анжумани Темурийлар даври тарихи давлат музейи мажлислар залида очилди. Бош вазир ўринбосари Ҳамидулла Кароматов анжуман иштирокчилари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни бобокалонимиз таваллуд тўйи билан қутлади. Анжуманда сўзга чиққан ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги бош вакили жаноб Майкл Барри Лейн, ҳиндистонлик профессор Шариф Қосимий, туркиялик олим М.Бойдаш, Буюк Британиядан ташриф буюрган таниқли беҳзодшунос Ибодулла Баҳорий, озарбойжонлик санъатшунос Ж. Ҳасанзода, тожикистонлик Л. Айний, шунингдек, Ш. Муҳаммаджонов, Э.Исмоилова сингари олимлар Камолиддин Беҳзоднинг темурийлар даври тарихининг бош мусаввири бўлгани, Шарқ миниатюра санъатини энг юксак чўққига кўтаргани, ўз ижоди билан Шарқу Ғарб рассомлик санъатига мислсиз таъсир кўрсатгани ҳақида теран, таҳлилга бой фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Бадиий академиянинг марказий кўргазмалар залида Беҳзод ва унинг издошлари, Беҳзод мусаввирлик мактаби давомчилари ижодиётига бағишлаб кўргазма очилди. «Камолиддин Беҳзод ва Шарқ миниатюра санъати» мавзуидаги мазкур кўргазмада намойиш этилаётган бетакрор асарлар анжуман қатнашчиларида унутилмас таассурот қолдирди.

Буюк ватандошимиз юбилейига бағишланган тантаналар муҳташам «Туркистон» саройида давом этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Камолиддин Беҳзод ва Шарқ миниатюра санъати» халқаро анжумани иштирокчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Аҳмаджон Мелибоев ўқиб эшиттирди.

Тадбирда Беҳзод анъаналарини давом эттириб келаётган истеъдодли ижодкорлар ва таниқли олимлардан Ш. Муҳаммаджонов Бадиий академиянинг Олтин медали, машҳур хаттот Ҳабибулла Солиҳ Кумуш медал, туркиялик Умар Кўч ва британиялик Ибодулла Баҳорий, шунингдек Шорасул Шоаҳмедов академиянинг махсус дипломлари билан тақдирландилар.

«Туркистон» саройидаги шодиёна таниқли ўзбек санъаткорлари иштирокидаги катта концерт билан якунланди. Улуғ ўзбек мусаввирининг 545 йиллиги тўйи давом этаётир.

## БЕБАҲО БОЙЛИК

**Ибодулла БАҲОРИЙ(Буюк Британия)**:

— Буюк мусаввир Беҳзод миниатюра санъатини фақат шаклий жиҳатдан эмас, бетакрор мазмун ва моҳият, фалсафий жиҳатдан ҳам юксак поғонага кўтара олди. Унинг асарлари исломий маданият дурдоналари сифатида Европа тамаддунига ҳам кучли таъсир кўрсатди.

Камолиддин Беҳзоднинг Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий сингари ўз даврининг етук ижодкорлари асарлари билан ошнолиги, бу улуғ зотлар яратган шеърият руҳида камол топганлиги, унинг юксак маънавий муҳитдан баҳрамандлиги ва айни пайтда илғор маърифат даргалари билан ҳамкорлиги даҳо санъаткор даражасида камол топиб, шуҳрат қозонишига шарт-шароит яратди. Таваллудининг 545 йиллиги кенг нишонланаётган Беҳзод ижодий мероси ўзбек халқининггина эмас, айни пайтда умуминсоний маданиятнинг бебаҳо бойлигидир.

## БЕҲЗОД ВА ЖАҲОН ТАМАДДУНИ

Шарқ миниатюра санъатининг буюк намоёндаси Камолиддин Беҳзод жаҳон маданияти равнақига муносиб ҳисса қўшди. Улуғ мусаввир таваллудининг 545 йиллиги тантаналари муносабати билан 22 сентябр куни Миллий матбуот марказида матбуот анжумани бўлди. Унда ўзбек олимлари билан бирга хорижий санъатшунослар ҳам иштирок этишди. Анжуманда сўзга чиққан мутахассислар Беҳзоднинг маънавий мероси нафақат Ўрта Осиёда, балки Европада ҳам мукаммал ўрганилаётганлиги, мусаввир ижоди кўпгина рассомлар ижодига кучли таъсир кўрсатгани ҳақида фикр юритдилар.

23 сентябр куни Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар залида очилган кўргазма икки қисмдан иборат. Биринчи қисмида Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Хусрав Деҳлавий, Абулқосим Фирдавсий, Фаридиддин Аттор каби Шарқнинг буюк алломаларининг нодир қўлёзмаларига Бухоро, Самарқанд, Ҳирот, Шероз, Табриз миниатюра мактаблари усталари томонидан яратилган мўъжаз асарлар намойиш қилинмоқда. Камолиддин Беҳзод ва унинг шогирдлари қаламига мансуб миниатюра асарларининг фотосуратлари ҳам экспозициядан ўрин олган. Иккинчи қисмда мумтоз миниатюра санъатидан илҳом олган мусаввирларнинг авлоди — Усто Мўмин, Б.Жалолов, Б.Йўлдошевнинг рангтасвир асарлари ҳамда замонавий миниатюра соҳасида фаолият кўрсатаётган Ш.Муҳамедов, Т.Болтаев, Х.Назаровнинг миниатюралари намойиш этилмоқда.

**Хуршид РАУПОВ**

3-бет



«Чимилдик».

2-бет

## АДОЛАТЛИ ҲУКМ

Республика Олий судида 1988—2000 йилларда турли норасмий диний-экстремистик ташкилотлар тузиб, ўта оғир жиноятлар содир этган, мамлакатдаги Конституцион тузумни ағдариш мақсадида 1999 йилнинг 16 феврал куни Тошкентда портлашлар уюштирган, 2000 йилда Сурхондарё вилоятининг Узун ва Сариосиё, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманларида қўпорувчилик ҳаракатлари қилган Т.Юлдашев, Ж.Ходжиев, С.Мадаминов ва бошқалар устидан бўлиб ўтган суд жараёнини диққат билан кузатиб бордик. Энг асосийси, суд очиқ, ошкора тарзда ўтди. Суд жараёни ҳақида республика, чет эл оммавий ахборот воситаларида мунтазам хабарлар бериб борилди. Судланувчи ва гувоҳлар кўргазмаларининг айримлари телевидение орқали кўрсатилди.

Жиноят содир этишда айбланаётган 12 шахснинг 9таси чет элларда қочиб юргани учун судда иштирок этмаган бўлса-да, уларга ўзларини ҳимоя қилишларига тўла имконият берилди. Аввалроқ уларга нисбатан Прокуратура айблови, куни кеча эса суд ҳукми «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинди.

Ҳукмда «... қолган судланувчилар(чет элларда қочиб юрганлар — **муаллиф**) ҳукм оммавий ахборот воситаларида эълон қилингандан сўнг 10 кун муддат ичида ... Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатига кассация тартибида шикоят ва протест келтиришлари мумкин» дейилган.

Мен газетада эълон қилинган ҳукмда қайд этилган жиноятчилар томонидан амалга оширилган ваҳшийликлар билан танишиб, тўғриси жуда ғазабландим. Амал, бойлик учун улар юзлаб одамларнинг ёстиғини қуритишган, фуқароларнинг уйларига бостириб кириб бойликларини талашган. Энг даҳшатлиси, ўзлари туғилиб ўсган, ота-оналари, ака-укалари, қариндош-уруғлари истиқомат қилаётган юртга қурол билан бостириб кирганлар. Ватан деб аталмиш муқаддас тупроқда бегуноҳ ўғлонларнинг қонини тўкишган. Инсон учун она тупроқни сотишдан оғирроқ хиёнат йўқ. Ва бу хиёнат барча замонларда, барча халқларда кечириб бўлмас жиноят ҳисобланган.

Шуниси ачинарлики, бугун суднинг адолатли ҳукмидан қочиб юрган бу жиноятчилар ўзларини демократлар, ватанпарварлар деб аташади. Уларнинг бу гаплари менга немис мутафаккири Г.Лессингнинг «Ўта кетган жиноятчи ҳам қилган жинояти аҳамиятсиз ва зарурат юзасидан юз берганлигига ўзини ишонтирмоқчи бўлади», деган ҳикматини эслатди.

Ҳукм эълон қилинди. Айбдорларга жиноятига яраша жазо тайинланди. Мен 20 йилдан буён шу соҳада ишлаб келаётган ҳуқуқшунос сифатида суд ҳукмини тўла қўллаб-қувватлайман. Зеро, адолатли ҳукмга ҳеч қачон эътироз билдирилмайди.

**Э.БОЙБЎТАЕВ,**
**Сирдарё туманлараро прокуратураси катта терговчиси**

